

**ЭЧКИЛАРНИНГ КОЛИБАКТЕРИОЗ, САЛЬМОНЕЛЛЁЗ ВА
ПАСТЕРЕЛЛЁЗ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ КЕЧИШИ ВА
ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ**

Мўминов Ғ.М¹., Элмуродов Б.А¹., Убайдуллаев Т²., Оразбаев Ж².

¹Ветеринария илмий тадқиқот институти

²Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети Нукус филиали

Аннотация. Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятини Муборак туманидаги табиий иқлим шроитида эчкиларни пастереллёз ва колибактериоз аралаш ҳолатда кечганда касаллигини клиник, патологоанатомик ўзгаришлари ўрганилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Аннотация. В этой статье приведены сведения об изучении клинических, патолого-анатомических изменениях в природно-климатическом комплексе Мубарекского района Кашкадарьинской области при пастереллезе и колибактериозе коз.

This article provides information on the study of clinical, pathoanatomical changes in the natural and climatic complex of the Mubarek district of Kashkadarya region with pasteurellosis and colibacteriosis of goats.

Калит сўзлар. эчки, бактерия, пастереллёз, колибактериоз, гитологик, патологоанатомик, яллиғланиш, аралаш, аъзо, тўқма, клиник.

Жигарда содир бўлган гистологик ўзгаришлар анча чуқур бўлиб, қон айланишининг бузилиши, дистрофик жараёнлар ва томирлар деворларининг яллиғланиши билан ифодаланади.

Аралаш юқумли касалликларда клиник белгилар касалликнинг оқимиға ва қўзғатувчиларнинг вирулентлигига қараб ўзгаради. Касалликлар ўткир оқимда ўтса касаллик мураккаблашиб, жуда оғир ўтади. Бундан ташқари, организмда касаллик қўзғатувчиларнинг туриға ва сонига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Тадқиқотларимиз Қашқадарё вилояти Муборак тумани хўжалиқларида пастереллёз ва колибактериоз билан табиий шароитда касалланган 30 бош эчки ва улоқларда ўтказилди. Уларда клиник белгилари ҳолсизланиш, ҳансираш, озикадан бош тортиш, касалликнинг 2 кунни хириллаш, кўп ётиш, шиллиқ пардаларининг қизариши, тана ҳароратининг 42,0-42,5 °С гача кўтарилиши, нафас олиш ва юрак уришининг тезлашиши аниқланди. Баъзи улоқчаларда ич кетиши бўлиб, ахлати суюқ, сассиқ ҳидли, сариқ кўкимтир рангли бўлди. Пастереллёз ва колибактериоз касалликлари билан касалланган қўзиларда патологоанатомик ўзгаришлар бироз мураккаб ва доимийлиги билан фарқ қилди.

Бунда гавдаларнинг жуда орикланиши, қотмаганлиги, оғиз ва бурун бўшлиқларидан кўпikli суюклик оққанлиги, айримларида бу суюклик қон аралаш бўлганлиги, шиллик пардаларида, айниқса, конъюнктивада гиперимия ҳосил бўлганлиги, анал тешиги атрофлари суюқ яшил рангли ахлат билан ифлосланганлиги, жунларининг рангсизланганлиги кўзга ташланади. Асосан тери ости клечаткаларида ва ошқозон-ичакларида қон томирларининг тўлақонлиги кузатилди. Сероз пардаларида нуқтали қон қуйилишлар, қон томирлари қон билан тўлганлиги барча касалланган кўзиларда тақорланди.

Юракнинг катталашганлиги ва нуқтали қон қуйилишларнинг кучайганлиги, ўпкада эса бронх ва альвеолалар бўшлиқларида кўпikli шилимшиқ модданинг тўпланганлиги, бундан ташқари, бир неча катталиқдаги ўчоқларнинг мавжудлиги кўзга ташланади. Асосий ва доимий ўзгаришлар талоқда бўлиб, унинг ҳажми катталашган, юзасида нуқтали ва доғли қон қуйилишлар кузатилди. Яна бир характерли ўзгаришлар ошқозон-ичакларда кузатилди, яъни катта, тўр ва қатқоринларнинг кутикуляр қатламининг кўчиши ва шиллик қаватларида нуқтали қон қуйилишлар мавжудлиги ва ширдонда 2-3 дона 0,5 см катталиқда яраларнинг бўлиши эътиборни ўзига жалб этади.

Патогистологик ўзгаришлар. Пастереллэз ва колибактериоз билан касалланган улоқчаларнинг миокардида қон томирларининг кенгайганлиги, қонга тўлганлиги, мускул толалари атрофида турли хил қон қуйилишлар кузатилди. Томир атрофларидаги бўшлиқлар анча кенгайган ва шишган, кўпинча альвеолаларнинг бўшлиқлари эритроцитлар билан тўлган, респиратор капилярлар ҳам кенгайган ва қон элементлари билан тўлган, айрим жойларида қон турғунлиги ва ўчоқли қон қуйилишлар мавжуд. Бириктирувчи тўқималари бўшашган, қисман гемогенлашган.

Интерстициал тўқима фибробластлар, лейкоцитлар ва онда-сонда учрайдиган бактериялар тўпламлари билан инфилтратциялашган.

Жигарда содир бўлган гистологик ўзгаришлар анча чуқур бўлиб, қон айланишининг бузилиши, дистрофик жараёнлар ва томирлар деворларининг яллиғланиши билан ифодаланади. Талоқнинг қон томир деворларининг адвентицион қатлами катталашган, қисман бўшашган, томирлари гемогенлашган. Шунингдек, майда қон қуйилиш ўчоқларини ҳам кўриш мумкин.

Лимфа тугунларида гиперпластик жараёнлар кучли ривожланган, периваскуляр шишлар ҳосил бўлган. Буйраклардаги характерли гистологик ўзгаришлар кўпинча қон томирларининг кенгайиши ва қонга тўлиши, диапедезли қон қуйилишлар билан ифодаланади. Ошқозон-ичакларда қон томирларнинг кенгайиши, тўлақонлиги, ўчоқли экстровазатлар, периваскуляр сероз шишлар асосий ўзгаришлардандир. Ширдон шиллик пардалари ҳужайра детиритига бой шилимшиқ билан қопланган, фундал ва пилорик қисмларида диапедезли қон қуйилишлар учрайди. Ингичка ва йўғон ичакларнинг шиллик пардаларида катарал яллиғланиш жараёнлари кескин

ривожланган. Ичакларнинг кўп қисмларида ўчоқли эрозия ва некрозлар учрайди.

Эчкиларда пастереллёз ва сальмонеллёз касалликларини биргаликда аралаш ҳолда кечиши ўрганилди. Тадқиқотлар Қашқадарё вилояти Муборак тумани хўжаликларида табиий касалланган 20 бош улоқчаларда кўзатилди. Аралаш юқумли касалликларда клиник белгилар касалликларнинг оқимига ва қўзғатувчиларнинг вирулентлигига қараб ўзгарди. Касалликлар ўткир оқимда ўтса касаллик мураккаблашиб жуда оғир ўтди. Бундан ташқари организмда касаллик қўзғатувчиларининг турига ва сонига боғлиқ ҳолда ўзгарди.

Пастереллёз ва сальмонеллёз касаллик қўзғатувчилари бирга учраганда нафас олишнинг кучайиши, шунингдек, ич кетиши суюқ кўкимтир бўлиши билан бирга пастереллёз ва колибактериоз касалликлари билан касалланган қўзиларда кузатилмаган ўзгариш, яъни олдинги оёқларининг фалажланиши намоён бўлди.

Пастереллёз ва сальмонеллёз касалликлари биргаликда учраганда куйидаги характерли ўзгаришлар кузатилди. Бунда касалланган улоқчалар гавдаларида, яъни бош, бўйин, елка, чот ва орқа чиқарув тешиклар атрофи тери ости клечаткаларида шишлар ҳосил бўлди, бурун бўшлиқларидан қон аралаш кўпikli суюқлик оқади. Ёриб кўрилганда барча улоқчаларнинг ўпка ва ошқозон – ичакларида қон томирларининг тўлақонлиги кўзга ташланади, қон тўқ қизил рангда бўлиб, анча суюқлашган, сероз пардаларида нуқтали ва доғли қон куйилишлар кенг тарқалган.

Ўпканинг ҳажми катталашган, оч қизил рангда, юзасида нуқтали қон куйилишлар жуда кўп бўлиб, крупоз – некротик пневмония ва айрим қўзиларда плевропневмония ҳам кузатилди. Жигар ва лимфа тугунлари ҳам анча катталашган, юзасида нуқтали ва доғли қон куйилишлар ва пневмония ҳолатлари аниқланди. Буйракларда эса геморрагия жараёнлари мавжуд.

Ширдоннинг шиллик пардаларида шилимшиқ аралаш қорамтир модда йиғилган, майда нуқтали қон куйилишлар, эрозия ва яралар мавжудлиги билан характерланади. Талоқ ҳажми бироз катталашган, юзасида майда қон куйилишлар бўлиб, кесганда пульпаси тўқ қизил рангда кўринади.

Ингичка ва йўғон ичакларнинг шиллик пардалари катарал – геморрагик яллиғланиш, донали қон куйилишлар, айниқса, 12 бармоқ ичакларида 1-3 см катталиқдаги бир неча яралар борлиги аниқланди.

Пастереллёз ва сальмонеллёз касалликлари билан касалланган улоқчаларнинг юрак қон томирлари буккан, эндотелий кўчган, айрим томирлар атрофида гистоцит, лимфоид ва лейкоцитлардан иборат хужайра тўпламлари кўринади.

Ўпкада геморрагик некрозланувчи пневмония кучли ривожланган кўпчилик альвеолалар бўшлиқлари эритроцитлар билан тўлган. Жигардаги гистологик ўзгаришлар пастереллёз ва колибактериоз касалликлари билан касалланган қўзилардаги ўзгаришларга ўхшаш бўлса ҳам, аммо жигар паренхимасида содир бўлган некротик тугунчалар улардан фарқ қилади. Талоқнинг айрим жойларида майда қон куйилишлар ва лимфоид тўпламлар

кўринади. Трабекулалари бўккан, толалар кўриниши ингичкалашган. Портал ичакларининг тутқичларидаги ва ўпка оралиғидаги лимфа тугунлари яллиғланган. Буйракларда гемодиномик ва дистрофик ўзгаришлар кучли ривожланган. Ошқозон-ичаклардаги гистологик ўзгаришлар ўта кучли ва мураккаб, чунки иккала қўзғатувчилар ҳам шу аъзоларда кўпроқ таъсир этади. Ширдон ва ичаклар пардаларида сероз – катарал геморрагик яллиғланишлар, дистрофик ва ярали некротик жараёнлардан иборат эканлиги аниқланди.

Хулоса. Табиий шароитда улоқчаларнинг колибактериоз, сальмонеллез ва пастереллез касалликларининг биригаликда бир организмда учраши мураккаб клиник белгилар ва патоморфологик ўзгаришларни келтириб чиқариши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Elmurodov B.A. Qo‘zilarda pasterellyoz va kolibakterioz aralash holda uchraganda kuzatiladigan klinik-anatomik belgilari // Проблемы изыскания синтеза и производства препаратов для ветеринарии: Respublika ilmiy-amaliy konferensiya ma‘ruzalari to‘plami. – Samarqand: VITI, 1999. -B.219-221.
2. Elmurodov B.A. Buzoq va qo‘zilarning aralash bakterial kasalliklari patomorfologik diagnostikasi va ularga qarshi kurash choralari ishlab chiqish: doktorlik dissertatsiyasi avtoreferati. - Samarqand, 2016. -29 b.
3. Navruzov N.I. va boshqalar Scopus: Jundishapur Journal of Microbiology. ISSN 2008-3645 E-ISSN 2008-4161; India. (2022). IF: 1.233.
4. Elmurodov B.A. Navruzov N.I., “Veterinariya meditsinasi” jurnali– Toshkent, 2023.-№6 (187). -B. 5-8.
5. Navruzov N.I. Buzoqlar kolibakteriozining patomorfologiyasi va immunoprofilaktikasida xitozan preparatining roli v.f.f.doktorlik dissertatsiyasi avtoreferati –Samarqand, 2021 -11 b.
6. Элмуродов Б.А., С.Х.Абдалимов., Н.И.Наврузов., И.Д.Шералиева “Ёш ҳайвонлар касалликлари” Монография. Самарқанд-2016. “Зарафшон нашриёти”. 187-Б.
7. Navruzov N.I., Б.А.Элмуродов., С.Ш.Рашидова., Н.Р.Вохидова, Ёш ҳайвонлар касалликларининг профилактикаси ва уларни даволашда полимер: металл системаларини қўллаш / Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг “Agro ilm” иловаси. –Тошкент, 2013. -№ 4(28). –Б. 51-52.
8. Наврузов Н.И., Б.А.Элмуродов., Н.Р.Вохидова Сальмонеллез касаллик қўзғатувчисига нанотехнологияли хитозан препаратининг таъсири / “Zooveterinariya” илмий оммабоп журнали. – Тошкент, 2013. - № 8(69). –Б. 12.
9. Элмуродов Б.А. Наврузов Н.И., Шопулатова З.Ж., Рўзикулова У.Ҳ. Ёш ҳайвонлар юқумли касалликларини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш ҳақида // “Zooveterinariya” илмий оммабоп журнали. – Тошкент, 2014. - № 5(78). –Б.52-54